# I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-июнда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 8 959,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати 100,7 фоизга тенг бўлди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 110,3 фоизни ташкил қилди.

**Январь-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

| | *млрд.сўм* | | *2019 йилга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| | *2019 йил* | *2020 йил* | |
| **I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами** | **8 073,0** | **8 959,4** | **100,7** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 7 273,1 | 8 367,0 | 100,8 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 799,9 | 592,4 | 98,9 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **7 273,1** | **8 367,0** | **100,8** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1 330,4 | 1 607,9 | 104,5 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 3 236,4 | 3 624,1 | 99,9 |
| саноат | 2 415,1 | 2 763,0 | 103,0 |
| қурилиш | 821,3 | 861,1 | 90,9 |
| Хизматлар | 2 706,3 | 3 135,0 | 100,1 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 415,4 | 453,2 | 97,1 |
| ташиш ва сақлаш,ахборот ва алоқа хизматлари | 489,3 | 511,0 | 99,5 |
| бошқа хизматлар | 1 801,6 | 2 170,8 | 101,0 |

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь-июнь ҳолатига**

*(жамига нисбатан фоизда)*

2019 йил январь-июнь




2020 йил январь-июнь




2020 йилнинг январь-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ўсиш суръати - 104,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 19,2 %), саноат

(қурилишни кўшган ҳолда) - 99,9 % (43,3 %) ҳамда хизматлар тармоғи - 100,1 % (37,5 %).

**Январь-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби,**
*жамига нисбатан фоиз ҳисобида*

| | *жамига нисбатан фоиз ҳисобида* | | *ўтган йилга нисбатан фарқи, (+;-)* |
|---|---|---|---|
| | *2019 йил* | *2020 йил* | |
| **I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами** | **100,0** | **100,0** | **х** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 90,1 | 93,4 | 3,3 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 9,9 | 6,6 | -3,3 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **100,0** | **100,0** | **х** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 18,3 | 19,2 | 0,9 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 44,5 | 43,3 | -1,2 |
| саноат | 33,2 | 33,0 | -0,2 |
| қурилиш | 11,3 | 10,3 | -1,0 |
| Хизматлар | 37,2 | 37,5 | 0,3 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 5,7 | 5,4 | -0,3 |
| ташиш ва сақлаш,ахборот ва алоқа хизматлари | 6,7 | 6,1 | -0,6 |
| бошқа хизматлар | 24,8 | 26,0 | 1,2 |

**2020 йилнинг январь-июнида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**




**Иқтисодий фаолият турлари**

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 93,4 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 6,6 фоизини ташкил этди.

*Ҳисобот даврида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 4 705,1 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври (4 303,5 минг сўм)га нисбатан 99,2 фоизга ошди.*

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,2 фоизли пунктга (ЯҲҚ таркибидаги улуши 43,3 %) камайди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМ таркибидаги улуши 2020 йил январь-июнда 19,2 фоизни ташкил этди ва 2019 йил мос даври (18,3 %) билан таққосланганда 0,9 фоизли пунктга ҳамда хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 37,5 фоизни ташкил этди ва ўтган йилниинг мос даври (37,2 %) билан таққосланганда 0,3 фоизли пунктга ошди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 5,4 фоизни (2019 й. – 5,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,1 фоизни, (6,7 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 26,0 фоизни (24,8 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймат таркиби**
*(жамига нисбатан фоизда):*




